



Ishonch

Моҳият

Ёшлиқ, бу — орзу. Бу — ишонч. Бу — жасоратли интилиш. Бу — лирика ва романтика. Бу — келажакка тузилган улкан режалар. Бу — истиқболнинг бошланиши.

Нозим ХИҚМАТ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Иқтидорли ёшлар рағбатлантирилди

Давра суҳбати

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-боби («Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш») мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ҳақ эвазига хизмат

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Савдо саноат палатаси ва бошқа тегишли вазирлик ҳамда идораларнинг ходимлари, олий ўқув юртли ва илмий тадқиқот муассасалари, ОАВ вакиллари иштирок этди.

Юртимизда тадбиркорлик фаолияти субъектларига товарлар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш билан бир қаторда, хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам кенг эркинлик ва қарорлар яратилганлиги иқтисодиётни ривожлантиришда уларнинг тутган ўрни ва ролини янада ошириш имконини бермоқда. Шу нарса таъкидландики, аънавий маънавий хизматлар билан бир қаторда, хизмат кўрсатишнинг янги турлари, хусусан, интернет, уяли алоқа, яъни мобил телефон алоқаси, компьютерда турли хизматлар кўрсатиши ўз ичига оладиган янги сервис шохобчалари жадал ривожланмоқда. Биргина 2009 йилда мамлакат ялли ички маҳсулот ҳажмида аҳолига пулли хизмат кўрсатиши 12,9 фоизга, 2010 йилнинг биринчи чорагида 13,4 фоизга ошди. 2010 йилнинг биринчи чорагида ташкил қилинган 215,4 мингта янги иш ўрнининг қарийб 70 мингтаси (32,5 фоизи) хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тўғри келади.

Давра суҳбатини ўтказишдан қўзланган асосий мақсад Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-боби («Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш») қондаларининг амалиётда қўлланилиши ҳолати юзасидан ўтказилган мониторинг натижаларини атрафлича муҳокама қилиш, шунингдек, ушбу қондаларни амалиётда қўллаш механизмларидаги мавжуд камчиликлар ва бушлиқларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ҳамда шу асосда фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш бўйича аниқ тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди. Хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларни янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг қарорлари тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, бир қатор янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, хизматларнинг муайян турларини тартибга солиб турувчи қонуний ҳужжатларни мажмуини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Давра суҳбатда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари, тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирок этадиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини тартибга солишнинг фуқаролик ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича, хизматларнинг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш хусусида, ҳуқуқни қўллаш амалиётдаги ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳамда норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича аниқ тақлифларни билдиришди.

Давра суҳбати иштирокчилари томонидан ўтказилган мониторинг натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38-боби («Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш») қондаларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар маъқулланди.

Довуд МАДИЕВ

Тадбир

Юртимизда ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишга Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаётир.



Олий ўқув юртлири ҳамда касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган аълочи ва жамоат ишларида фаол қатнашаётган ёшларга кенгаш стипендияси ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари бериш аънаъга айланган фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федератсияси кенгашида ана шундай бир гуруҳ иқтидорли ёшларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимда пойтахтимиздаги олий ўқув юртли талабаларидан 5 нафарига Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши стипендияси, касб-хунар коллежларининг 10 нафар ўқувчисига эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди.

Тадбирда кенгаш раиси Н.Насимов сўзга чиқиб, ҳуқуқимиз томонидан ёшларга яратиб берилган имкониятлар улкан эътибор ва ғамхўрликнинг намунаси эканлигини алоҳида таъкидлади.

Маълумот ўрнида шунини айтиш мумкин, бугунги кунда «Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши стипендияси» ҳамда эсдалик совғалари соҳиб бўлган ёшлар сони 269 нафарни ташкил этади.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан ЎЗМУ фалсафа факултети талабаси Т.Хожиев

ва 1-Республика тиббиёт коллежи ўқувчиси Р.Тарзимонов миннатдорлик изҳор этиб, бундай эътибор янада яхши ўқишга ҳамда масъулиятли бўлишга ундашини айтиб ўтди.

— Бундай ютуқлар бизни янги марралар сари етаклайди, — дейди Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи ўқувчиси Нигина Рашидова. — Кўрсатилаётган меҳр ва эътибор муносиб ҳаёт кечирishi-мизга туртки бўлиши шубҳасиз.

Тақдирланганлар қадимий Самарқанднинг тарихий оби-

далари ва муқаддас қадамжолари билан яқиндан танишиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Шундан сўнг Тошкент шаҳар қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг VIII мажлиси бўлиб ўтди.

Унда кенгашнинг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва пойтахт қасаба уюшма ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги маъруза лойиҳаси кўриб чиқилди.

— 2005-2009 йилларда Тошкент шаҳрида ижтимоий

меҳнат билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш масалаларини енгиллаштириш, иш бевучи билан юзма-юз мулоқотда бўлиш мақсадида 215 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди, — деди кенгаш раиси Н.Насимов. — Ярмаркаларда 295 мингдан зиёд фуқаролар иштирок этди. Улардан 133 мингга яқини турли ташкилот ва корхоналарга ишга жойлаштириш учун йўланма олди. 21 мингга яқин фуқаро шаҳар ўқув марказига бошқа касб-

ларга ўқишга юборилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Н.Умарова, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири А.Раҳмонов ва бошқалар маъруза юзасидан сўзга чиқиб, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш сўнггида ҳисобот маърузаси тасдиқланди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ, «Ishonch» мухбири

Болаларни соғломлаштириш ва дам олдиришни ташкил этиш бўйича республика доимий комиссияси аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари иштирокидаги давра суҳбати қизгин мунозараларга бой бўлганидан ҳам унинг нечоғлиқ долзарблигини англаш мумкин. Йиғилганлар ўз ташкилоти доирасида қилинаётган ишларга атрафлича тўхталиб ўтди.

ЎзКУФ раисининг ўринбосари, Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика доимий комиссияси раисининг ўринбосари Озода Муҳиддинова давра суҳбатини очар экан, икки кундан буён ўтказилаётган тадбирлардан қўзланган асосий мақсад мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш эканлигини қайд этди.

— Бу ерга йиғилишимиздан мақсад муаммоларни биргаликда, ҳамжиҳатлик билан ҳал этишдир. Ижро қанчалик мукамал бўлса, қуйи бўйин ташкилотларининг фаолияти яхши йўлга қўйилса, мавсум кўнглидагидек ўтиши шубҳасиз.

Ботир Омонов, Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакили:

— Соғлиқни сақлаш вазирлиги биринчи навбатда оромгоҳларда тиббиёт хоналарини ташкил этишга эътибор қаратган. Хар бир оромгоҳга терапевт врач ҳамда ҳамшира тайинлаб, уларга хона ажратилиш, керакли дори-дармон билан таъминлашга ҳаракат қилиялмиш. Шунингдек, худуддаги шифохоналардан тез ёрдам машиналари ташкил этиш ҳам мўлжалланган. Маълумки, тез ёрдам машиналари 50 км. радиусда ёрдам кўрсатиш имконига эга. Агар оромгоҳ ундан олинса жойлашган бўлса, алоҳида машина ажратиш масаласини кўриб чиқамиз. Таъкидлаш жоиз, болалар бепул тиббий кўриқдан ўтказилади.

Давра суҳбатда «Санэпидназорат» маркази вакили Неля Солихова оромгоҳларнинг озодлиги, гигиеник ҳолати, озиқ-овқатларни сақлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши ҳақида тўхталиди.

— Ташкилотимиз оромгоҳларни дори-дармон билан таъминлашни апрел ойиданоқ бошлаб юборган. Қоракўрт, илон захрига қарши етарли зардоб сотиб олинди. У вилоятлардаги тармоқларга тарқатилган бўлиб, шартнома асосида оромгоҳларга етказилмоқда, — деди «Дори-

тодик қўлланмалар бирлаштирилиб, янгидан ишлаб чиқилди.

Болалар оромгоҳда хунармандчилик ва бошқа соҳаларни ўрганишга аниқ мудоао бўларди. Бунда, аввало, хар бир оромгоҳ ўз истиқбол режасини белгилаб олиши керак. Бундан ташқари, тадбирлар мониторинги

ҲАМ ЖИҲАТЛИК

муаммоларни ҳал қилиш имконини беради

дармон» давлат ассоциацияси вакили Мираброр Нуъмонов. — Бундан ташқари, бошқа дорилар ҳам тармоқларга жўнатиш, сақлашни мудоаати алоҳида эътиборда, сифати ҳам қафолатланган.

Хайрулло Шербоев, Ички ишлар вазирлиги вакили:

— Зиммасидаги вазифалардан келиб чиқиб, худудларга ёзма равишда кўрсатмалар жўнатилиб, оромгоҳларга яқин жойдаги аҳоли пунктлари, хонадонлар профилактикадан ўтказилмоқда. Айниқса, ёнган хавфсизлиги қатта аҳамият қаратилган. Хар бир оромгоҳга иккитадан ходим бйриктирилган.

Саиддахон Абдураҳмонова, Халқ таълими вазирлиги вакили:

— Вазирлигимизда болалар тарбияси бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Дастур ва ме-

дафтери, мониторинг экрани оромгоҳнинг юзи ҳисобланади. Улар орқали келганлар дам олиш маскани ҳақида тасаввурга эга бўлади. Тозалик дафтери эса санитария ходимларининг иштини осонлаштиради. Бир сўз билан айтганда, бола дам олиб бўлган, уйига бориб ўрганган нарсалари ҳақида мақтана олсин.

Оромгоҳларга қандай китоблар кераклигини ҳам ўрганиб чиқдик. Лотин ёзувидаги адабиётларни кўпайтиришимиз керак. Шунингдек, болаларни қизиқтиришга қараб тўғарақларга жалб этиш мўҳим аҳамиятга эга.

Тарбиячилар масаласига келсак, улар орасида ўрта махсус маълумотга эга, соҳаси умуман бошқа шахсларни ҳам уратилиш мумкин. Шу боис юқори малакали тарбиячиларни кўпайтириш асосий вазифаларимиздан биридир.

«Ўзлугуржисавдоинвест» уюшмаси вакили Гулчехра Умрзоқова уюшманинг 7 та республика, 48 та вилоят миқёсидаги тармоғига барча турдаги озиқ-овқатлар етказиб берилгани, уларнинг захираси етарли экани ҳақида тўхталиб ўтди. Шунга қарамай, оромгоҳларни уюшмага жалб этиш борасида бир қатор муаммолар борлигини ҳам таъкидлади.

— Болаларни оромгоҳларга самарали ва хавфсиз етказиш бўйича қатор ишлар қилинди, янги автобуслар ажратилди, — деди Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агент-



берилган, — деди «Ўзбекэнерго» давлат акционерлик компанияси вакили Тошмурод Қўзиев. — Юқоридаги бошқа хизматлар каби электр 50 фоиз арзонлаштирилгани тўғрисида хат юборилган. Зиммамиздаги вазифаларни тўлақонли бажаришга интилялмиш.

Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги вакили Ўткир Тошхўжаев вазирликка қарашли 48 та оромгоҳ борлиги, Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишидан келиб чиқиб, улар мавсумга шайланаётганини таъкидлади. Оромгоҳлар билан доимий алоқа ўрнатилганини қайд этди.

— Компаниямиз таркибидаги «Ўзтемирўйўйловчи» АЖ болаларни оромгоҳларга етказиб беришга деярли тайёр, — деди «Ўзбекистон темирўйўллари» давлат акционерлик компанияси вакили Бахтиёр Махмудов. — Бир сўз билан айтганда, болалар манзилга ўз вақтида ва беҳатар етказилади.

Акмалбек Тўрабоев, Хавфли геологик жараёнларни кузатиш давлат хизмати вакили:

— Табиий офатлардан ҳеч ким талофат кўрмаслиги учун республика бўйича етти та станциямиз фаолият юритиб келади. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига қўра, тоғли худудларда содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича мониторинг олиб борилди. Айниқса, бу йилги об-ҳаво жиддий эътибор қаратишимизни талаб этмоқда. Барча оромгоҳлар 1 июнга қадар руҳсатнома олиб, фаолиятини бошлаши мумкин.

Шунингдек, яна қатор ташкилот вакиллари, қасаба уюшма ходимлари мавзу юзасидан мулоҳаза ва тақлифларини билдирар экан, фарзандларимизнинг ёзги дам олиш мавсумини мазмуни ўтказишга барчамиз бирдек масъулмиш дея таъкидлади.

Акмал ТОШЕВ, Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Хисобот-сайлов конференцияси

Холис баҳо

Камаш туманидаги 58-мактаб ўқитувчиси Р.Хуррамова ноҳақ ишдан бўшатилди. У ўз ҳуқуқларини химоя қилишни сўраб. Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Камаш туман бирлашган кўмитасига мурожаат этди. Саъй-ҳаракатлар натижасида Р.Хуррамова ишига тикланди.

70-мактаб ўқитувчиси Б.Чоршанбиев 2009 йилнинг 24 сентябрдан 24 декабргача бўлган даврдаги иш ҳақини ундириб беришларини сўраб қасаба уюшма ташкилотига мурожаат қилди. Ариза атрофича текширилиб, ижобий ҳал этилди. Бундан ташқари, тумандаги 27-мактаб ходими Дилбар Маматова, 14-мактаб лаборанти Насиба Юсупова, 57-мактабдан Пардаход Хидирова, 61-мактабдан Чарроз Хонимова, Санобар Махмаева, 79-мактабдан Қизларгул Норматова шатлар қисқартирилиши бўйича мурожаат қилишганди, қасаба уюшма араси билан улар ўз ишларида қолдирилди. Бу каби мисолларни бирлашган кўмита фаолиятиндан кўплаб келтириш мумкин.

Яқинда бўлиб ўтган хисобот-сайлов конференциясида делегатлар Юнус Эшбўриев ишларини ижобий баҳолаб, қасаба кўмитасига унинг номзодини ёқлаб овоз беришди.

Шундай хисобот-сайлов конференциялари Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Нишон, Чироқчи ва Яқабтоғ туман бирлашган кўмиталарида ҳам бўлиб ўтди.

Конференцияларда бирлашган кўмиталар фаолияти таҳлил қилиниб, гагдаги вазифалар белгилан олди. Шунингдек, уларда бирлашган кўмитанинг ўтган даврда олиб борилган ишлари ижобий баҳолалиб, етакчиларга яна ишонч билдирилди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ўтган хисобот даврида қасаба уюшмаси аъзолари манфаатлари химоясининг ҳуқуқий негизини шакллантириш, ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш, меҳнат муҳофазаси каби масалаларга жиддий эътибор қаратилди.

— Ўз фаолиятимизни жамоа шартномалари, келишувлар ва музокаралар орқали олиб бораётимиз, — деди Савадо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар қасаба уюшмаси Янгийул туман, шаҳар вакиллик вакили Саодат Абдуллаева хисобот-сайлов конференциясида. — 64 та хусусий корхонада вакиллик билан кичик жамоа шартномалари, яъни ариза-шартномалар имзоланди. Уларга кўра, корхона, ташкилотларда ишчи-ҳодимлар қатор имтиёз ва кафолатларга эга бўлди.

Маърузада баъзи корхоналарда меҳнат муҳофазаси кўнгилдагидек эмаслиги ҳам тилга олинди. Масалан, «Гишт Капитал Инвест» МЧЖ ёлланма ишчилари Фурқат Самижонов ва Абдумўмин Мухторов ҳамда «Янгийул Шаҳар Савадо» МЧЖ ёлланма ишчиси Қахрамон Ражабовлар ана шундай масъулиятсизлик, лоқайдлик қурбони бўлдилар. Қасаба уюшма араси билан Ф.Самижонов ва А.Мухторовлар оиласига 1 502 280 сўмдан, дафн маросими учун эса бирваракайига 6 йиллик тоvon пули тўланди. Шу тарзда Қ.Ражабов оиласига ҳам кўмаклашилди. Лекин уларни энди ҳаётга қайтариб бўлармиди...

Раислар жамоат кенгашига етакчилик қилиш яна С.Абдуллаева зиммасига юклатилди.

Шарофат НОРКУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Мирзачўл туман бирлашган кўмитасининг хисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Унда кўмита раиси Г.Жайлибоева ўтган даврда амалга оширилган ишлар ҳақида хисобот берди. Музокарада сўзга чиққанлар кўмита фаолиятини янада жонлантириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Раҳимбек ШАРИФЗОДА

Қарор ва ижро

Мақсад — ички истеъмол бозорини кенгайтириш

Бугунги кунда ички бозоримизни арзон, сифатли озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш ҳуқуқатимиз олдида турган устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадда мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Мана шу ишларни амалга ошириш мақсадида 1182 млрд. сўм атрофида кредит маблағлари ажратилди.


Хусусан, Янгийер шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Янгийер-ўлиндурия» давлат унитар корхонасига 2010 йилнинг апрелида темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида 300 млн. сўм кредит ажратилди. Натижада, корхона бир кунда ҳар хил турдаги 34 880 тонна темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Бу билан вилоят аҳолиси ва ташкилотларнинг ушбу маҳсулотга бўлган талабини таъминлаб келаяпти. Ушбу лойиҳа ҳисобига 130 нафар ёш янги иш ўринлари билан таъминланди.

Худди шунингдек, Гулистон шаҳрида фаолият юритаётган «Сирдарё тайёрлов таъминот савдо» МЧЖ жорий йилнинг март ойида консерва чеҳи, савдо дўконлари, умумий овқатланиш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шахобчалари қуриш мақсадида 100 млн. сўм миқдорда кредит олганди. Айна пайтда корхона 2,5-3 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, 25 та савдо дўкони ва 250 ўринли ресторан қурилиши бошлаб юборилди. Ушбу лойиҳа ҳисобига 80 нафар ёш янги иш ўринлари билан таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Акмал БҮРИБОЕВ,
«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Сирдарё минтақавий филиали кредит бўлими бошлиғи

Мақсадимиз — жисмонан бақувват,

Сирдарё



Катта умидлар остонасида

Бокс саройига кириб борар эканмиз, қувнок кайфиятда сўхбатлашиб чиқиб келаятган бир гуруҳ ўсмирларга дуч келдик.

Ичкариладик. Кенг спорт залидан ўрин олган рингда икки ёш боксчи жанг қилмоқда. Мураббийлар уларнинг хатти-ҳаракатларини синчковлик билан кузатади.

Улар билан танишдик. Алишер Усмонов ва Эркин Мелибоев анча йилдан буён шу даргоҳда хизмат қилиб келар экан. — Бокс секциясида 300 нафар 10-16 ёшдаги ўқувчи ёшлар шугулланади, — дейди Алишер Усмонов биз билан сўхбатда. — Шогирдларимиз орасида қобилиятли ёшлар жуда кўп. Мана, ҳозиргина рингга чиққан Шавкат Эшматов ва Фарҳод Аллаёровлардан умидимиз катта. Келажакда улардан таниқли боксчилар чиқишига ишонаман.

— Бахтиёр Сатторовман. Гулистон шаҳридаги 5-мактабда ўқийман, — дея таништирди ўсмирлардан бири ўзини. — Беш йилдан буён шу ерга катнайман. Мураббийлардан бокс сирлари, ҳужумнинг турли усулларини пухта ўрганаётман. Орзуларим улкан. Руфат Рискиев, Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаевдек таниқли боксчи бўлмоқчиман.

Гулистон шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошидаги бокс секциясида ана шундай ёшлар камол топмоқда.

А. НОРКУЛОВ

Ёшларнинг бўш вақтини фойдали машғулотлар билан банд этишда спортнинг ўрни катта. Юртбошимизнинг Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси хомийлик кенгашига шахсан раҳбарлик қилиши ҳам соҳага қанчалар аҳамият қаратаётганлигидан дарак беради.

Вилоятимизда спортни оммавийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хатто марказдан олисда жойлашган қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари, стадионлар, бир-биридан қўрқам спорт заллари ва майдончалар бунёд этилди. Уларга қараб ҳавасим келади. Биз мактабда ўқиган даврда жисмоний тарбия дарсини ўтишга ҳам тайинли жой йўқ эди. Буни қарангки, биргина ўтган йил давомида вилоятда унча янги спорт мажмуаси барпо этилди. Гулистон шаҳридаги Марказий стадион, Маданият саройи биноси капитал реконструкция қилинди. Гулистон, Оқолтин, Сирдарё, Бойвут, Ховос туманларида бир-биридан чиройли спорт

берилди.

Вилоятда болалар спортини ривожлантириш, ўқувчи ёшларни оммавий спортга янада фаолроқ жалб этиш мақсадида тез-тез мусобақа-

Буюк ишларга

иншоотлари бунёд этилди. Гулистон шаҳрида 1600 ўринли очик теннис корти, баскетбол, гандбол, волейбол, гимнастика мўлжалланган ёпиқ спорт заллари фойдаланишга топширилди. Уларнинг барчаси энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Бунинг учун бюджетдан 93 млн. 200 миң сўм маблағ сарфланди.

Жамғарманинг ички имкониятидан келиб чиққан ҳолда қишлоқ худудларидаги 40 та умумтаълим болалар спорт мактаблари, лицей ва коллежларида 68 млн. 326 миң сўмлик жиҳозлар олиб

лар ўтказилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш вилоят минтақавий филиали ташаббуси билан Ширин шаҳрида ўтказилган миллий кураш ва белбоғли кураш бўйича мусобақада 300 дан зиёд ёш полвон кучи нашлади. Сайхунбод, Мирзаобод, Бойвут туманларидан келган ёш полвонларнинг маҳорати, айниқса, сезилиб турди. Ширин шаҳри, Ховос, Бойвут туманлари ёш спортчилари ҳам ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик қўриб келганликларини исботлашди. Умумжамоа ҳисобида ширинлик ёш



Факт ва рақамлар

Вилоятда 1516 та спорт иншооти бўлиб, 12 та ўйингоҳ, 308 та спорт зали, 12 та сузиш хавзаси, 2 та ўқ отиш тири ёшлар ихтиёрида.

Маҳаллаларда ўтган йилда 42 та спорт майдончаси, 2 та сузиш хавзаси барпо этилди.

308 та умумтаълим, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 1 та футбол-интернат мактаби, 5 та академик лицей, 49 та касб-ҳунар коллежларида турли спорт тўғрисида, секциялар самарали фаолият кўрсатмоқда.

Қишлоқ мактабларида 60 миң нафар ўқувчи дарсдан ташқари спорт секцияларига жалб этилган.

Вилоят ҳудудида 7 та соғломлаштириш клуби фаолият олиб бораёпти.

12 та болалар мусиқа мактабларида 900 нафардан зиёд ўқувчи мусиқа сирларини ўрганмоқда.

Орзубекнинг орзуси

бахода юртимиз боксчилари иккита олтин, учта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритди. Орзубек кумуш медалга сазовор бўлди.

У яқинда Хельсинки шаҳридаги халқаро турнирда муваффақият қозониб, юртимизга

олтин медал билан қайтди. Орзубекнинг орзуси 2012 йил Лондонда бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ва юртимиз шарафини муносиб химоя қилишдир.

Анорбой НОРКУЛОВ

Беш йилдан буён шарқ яққа қурашининг таэквандо (ИТФ) ва жет-кун-до турлари билан шугулланаман. Бунга укам сабабчи бўлган. У мураббий Мурад Умаров етакчилигидаги таэквандо тўғрисида катнашди. Татамидидаги илк ғалабамни ҳамон ҳаяжон билан эсламан.

Миннатдорман

Бу 2006 йил баҳорда «Алпомш» спорт саройида вилоят биринчилигида юз берган эди. Ғалабадан руҳланиб, бутун вужудим билан машқ қила бошладим. Саъй-ҳаракатларим зое кетмади. 2007 йилнинг сўнгида пойтахтимиздаги «Жар» спорт саройида ўтказилган мамлакат чемпионлиги деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Шундан сўнг кўплаб нуфузли мусобақаларда иштирок этдим ва саккиз карра мамлакат, бир карра Осиё чемпионлиги деган шарафга эришдим.

Айна кунларда тўғрақдаги 25 нафар ўғил-қизга мураббийлик қилаётман. Шогирдларим орасида иқтидорли, келажакда порлок ёшлар кўп. Қизлар ҳам татамидидаги бахсларда асло бўш келмайди. Уларнинг хатти-ҳаракатидан спортга қаноқликни қўриб, ичимдан хурсанд бўламан.

Мамлакатимиз Президентининг аёл мураббийлар меҳнатига эътибор қаратганидан олам-олам катта. Бу қарор менга ўхшаган минглаб спорт мураббийларига ҳамда гамжўрликдан далоятлардир.

Гулмира ТҲАМИШОВА,
Таэквандо бўйича Осиё чемпиони



Бадий гимнастика ривожланмоқда

Вилоят таълим-тарбия муассасаларида спортнинг бадий гимнастика турини янада жонлантириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган бўлиб, унинг ҳаётда ўз аксини топиши учун астойдил ҳаракат қилинмоқда. Аёл спорт мураббийлари учун бадий гимнастика тури бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилганлиги ҳам айна мўддао бўлди. Яқинда Гулистон шаҳридаги «Алпомш» спорт мажмуасида 200 нафар аёл спорт мураббийлари ўқув курсида иштирок этди. Гулистон, Янгийер педагогика коллежларида ҳам бадий гимнастика тури бўйича махсус курсларда ёшларга малакали мутахассислар томонидан йўл-йўриқлар берилди. Умумтаълим мактаблари қошида очилган бадий гимнастика тўғрисидаги катнашган қизлар сафи ҳам кундан-кунга кўпаймоқда.

Қишлоқ қизларининг жисмонан соғлом, ақлан етуқ бўлиб камол топишида бадий гимнастиканинг аҳамияти катта. Бунинг тушунган ота-оналар сони ортиб, бугун тўғрагимизда 30 дан ортиқ қиз машғулотларда катнашаётгани бизга катта масъулият юклатмоқда.

Фаридаҳон ОТАБОВЕВА,
Мирзаобод туманидаги 26-мактаб ўқитувчиси,
спорт мураббийси

МАЪНАН ЕТУК ВА КОМИЛ ИНСОНИ ТАРБИЯЛАШ

ВИЛОЯТИ

спортчилар голибликни қўлга киритишди.

2009 йил ёш спортчилар учун жуда омадли келди. Алишер Абдуллаев универсал жанг бўйича тўрт карра жаҳон

ҚОДИР

чемпиони бўлди. Сайхунбод туманидан ёш шашкачи Самандар Калонов ҳам жаҳон чемпионатида шохсупанинг юқори поғонасидан ўрин олди.

Яқинда Гулистон шаҳридаги Марказий ўйингоҳ худудида бадий гимнастика зали фойдаланишга топширилди. Айни кунда 200 нафар қиз бу ерда бадий гимнастика билан шуғулланмоқда. Худди шундай гимнастика заллари Янгиер шаҳри, Гулистон ва Бобўт туманида ҳам бунёд этилди.

Яратилаётган қулай шарт-

шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрлик боис ёш спортчиларимиз халқаро миқёсдаги беллашуларда юқори ўринларни қўлга киритмоқда. С.Қурбонбоева, Э.Жуманов каби ёш шахматчилар Туркияда ўтказилган жаҳон чемпионатида шохсупадан жой олган бўлса, Ю.Қулжонов, Д.Мавлонов, Д.Тошпўлатов, А.Файзиёвлар Москва шаҳрида академик эшак эшиш, Ф.Фозилова эса энгил атлетика бўйича халқаро мусобақаларда муносиб қатнашди. Бобўтлик 15 ёшли шахматчи Сарвиноз Қурбонбоева, Ширин шаҳрида яшовчи академик эшак эшиш бўйича спортчи Руслан Наурзалиев, Гулистонлик ёш боксчи Орзубек Шоимов ҳам жаҳондаги энг нуфузли мусобақаларда голибликни қўлга киритди. Спорт билан шуғулланувчи ёшлар сони бугун эллик мингдан ошиб кетганидан фахр ҳиссини туяман. Голиб спортчилар филиал томонидан муносиб рағбатлан-

тириб борилапти. Биргина ўтган йили уларга 2 млн. 600 минг сўмлик совға-саломлар берилди. Шунингдек, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг спорт билан мунтазам шуғулланувчи фарзандларига 155 млн. сўмлик спорт кийимлари тақдим этилди.

Ёш эшигимизни тақиллатиб турибди. Ўтган йили Сайхунбод, Сирдарё, Оқолтин, Бобўт, Гулистон туманларидаги ҳар бир оромгоҳга 708 минг сўмлик спорт жиҳозлари ажратган эдик. Бу йилги дам олиш мавсумида ҳам ана шундай хайрли ишларга катта эътибор қаратамиз.

Шубҳа йўқки, сирдарёлик спортчи ёшлар юксак эътибор ва ғамхўрликларга муносиб жавоб қайтардилар.

Норбоб ҚОТОВ,
Республика болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сирдарё вилоят филиали директори



Миллат шаъни куч берар

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинларининг ижтимоий ҳаётимизда алоҳида ўрни бор. Нуфуз ва салоҳияти йилдан-йилга ортиб бораётган бу беллашулар ёшларни ҳар томонлама чинқитириб, юртимизнинг довуғини дунёга таратадиган муносиб фарзандлар бўлиб етишишида катта аҳамиятга эга.

700 га яқин ўғил-қиз спортнинг тўққиз тури бўйича шуғулланади. Улар тўрт гуруҳга бўлинган. Академик эшак эшиш, сузиш, синфрон, сув полони, байдаркада эшак эшиш, велоспорт, энгил атлетика каби спорт турлари бўйича асосий машғулотлар ўтказилади.

Академик эшак эшиш бўйича бош мураббий Василий Чеменов шу кунгача ўнлаб мамлакат чемпионларини тарбиялаб, камолга етказди. Жамоамизда 38 нафар шундай фидойий устоз бор. Дамир Шокиров, Евгений Качкаев, Евгений Тихонова, Севилия Седаметова каби тажрибали спорт мураббийлари ёшларни Олимпиадада ўйинларга тайёрлашда салмоқли натижаларга эришмоқда. Мактабимиз ёш спортчилари ўтган давр давомида халқаро, мамлакат ва вилоят миқёсда бўлиб ўтган 60 та мусобақада иштирок этди. Мазкур беллашуларда 42 та олтин, 31 та кумуш, 33 та бронза медални қўлга киритди.

Ўтган йили ноябр ойида Хитой Тайпейида катталар ўртасида бўлиб ўтган XII Осиё чемпионати ҳамда ёшлар ўртасидаги XX қитъа биринчилигида Руслан Наурзалиев ва Вячеслав Дмитрих жуфтлиги олтин медални қўлга киритди. Бу спортчилар Россияда бўлиб ўтган «Московская регата» халқаро турнирида ҳам кучли бешликдан жой олди. Мамлакатимизда бўлиб ўтган чемпионатларда Р.Хусайнова, А.Бекмуродов, А.Уматов, А.Богданов, С.Мирзабекова каби умидли спортчилар пешқадамлик кўрсатиб, шохсупанинг юқори поғоналаридан жой олди.

Велоспортчиларимиз эришаётган ютуқлар янада қувончли. Ўтган йили Малайзияда бўлиб ўтган халқаро турнирда ёш спортчимиз Вадим Шаехов олтин медал билан юртимизга қайтди.

Б.Мирзаев, А.Бозоров, Д.Бобоев, А.Топилов каби ёш полвонларимиз эса мамлакат миқёсда ўтган нуфузли беллашуларда қатнашиб, юқори ўринларни қўлга киритиб келмоқда.


Гулнора БОБОЕВА,
Вилоят Олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар махсус спорт мактаби директори

Кейинги йилларда Шарқ яққа кураши саналимиш муайтай спорт турига кизиқиш ортиб бормоқда. Хозирги кунда Гулистон шаҳридаги муайтай секциясида 40 нафар спортчилар бор.

Фаррух Таиландга боради

Улар юртимиз миқёсда бўлиб ўтган нуфузли беллашуларда қатнашиб, фахрли ўринларни қўлга киритапти. Яқинда пойтахтимизда Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди. Ёш спортчимиз Фаррух Солипов рингда ўз кучи ва маҳоратини намойиш этиб, мамлакат терма жамоаси сафига қабул қилинди. Шу йилда муайтай ватани Таиландда мазкур спорт тури бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади. Бу Сирдарё ўғлини Фаррух Солипов учун ўзига хос имтиҳондир.

А. АБДУЛЛАЕВ



Ўтган йили юртимиз спорт тарихида унутилмас воқеалардан бири бўлиб ўтди. Ушбу спорт байрами арасида вилоятимизда улкан ҳажмдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Гулистон шаҳри «Мирзачўл гавҳари» деган юксак номга эга бўлди. Мен ушбу спорт байрамида «Кичик олимпиада»

Ифтихор

машъаласини ёқшидек шарафли вазифани амалга оширдим.

Мамлакатимиз ва Осиё миқёсда ўтган бир неча чемпионатда қатнашганман. Жаҳондаги кўплаб спортчилар билан мулоқотда бўлганман. Очигини айтиш, кўплаб хорижлик спортчи

дўстларимиз бизга ҳавас билан қаради. Бу эса, албатта, бизнинг қалбимизни ифтихор туйғуларига тўлдирди, зиммамизга янада катта масъулият юклайди.

Руслан НАУРЗАЛИЕВ,
«Шухрат» медалли совриндори,
Академик эшак эшиш спорт бўйича Осиё чемпиони

Ютуқлар салмоқли

Мирзаобод туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 632 нафар ўқувчи спортнинг футбол, волейбол, кураш, футбол, теннис, шахмат-шашка турлари бўйича шуғулланади. Уларга 22 нафар олий маълумотли мураббий бош-қош. Мактабимизда миллий курашнинг ривожлантиришга катта

эътибор қаратилган. Унга 116 нафар ўқувчи жалб этилган. 5 нафар мураббий ёшларга кураш сирларидан сабоқ беради. Ўқувчиларимиз орасидан моҳир полвонлар етишиб чиқмоқда. Ўтган йили вилоятимизда бўлиб ўтган республика миқёсдаги «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида мактабимиз ўқувчиси Хайит-

бой Бердалиев кумуш медал соҳиби бўлди. Ёш футболчилар, теннисчилар, волейболчилар эришаётган ютуқлар ҳам салмоқли. Теннисчиларимиз вилоят терма жамоасидан ўрин олиб, юртимиздаги бир қатор нуфузли беллашуларда қатнашиб келмоқда.

Рўзбой СИРОЖИДДИНОВ,
мактаб директори


Фидойилар — голиб

Яқинда Гулистон шаҳридаги Марказий ўйингоҳда вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида Турон яққа кураши бўйича вилоят мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувда таълим, алоқа, агросаноат, маданият, соғлиқни сақлаш ва давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшма вакиллари голиблик учун кураш олиб борди. Мусобақа якунида таълим ва фан хо-

димлари касабаси уюшмаси ходимлари устунлик кўрсатгани маълум бўлди. Ф.Тоғоев, А.Тиллаев, Т.Кучимов, К.Бозоров, С.Кучимовлар шохсупадан жой олди.

Фолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Исроил ҚОРАХОНОВ,
вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси



Ўтган йили вилоятимизда Ўтган «Умид ниҳоллари — 2009» мусобақаларининг финал босқичида спорт гимнастикаси бўйича қатнашиб, олтин медалга эга бўлдим.

Масъулият ҳисси

Албатта, бу ютуқ осонликча қўлга киритилгани йўқ. Мураббий Уткир Қодиров билан тонгларни шомга улаб машқ қилишга уриндим. Рақиблар ҳам кучли эди. Айнисса, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан келган спортчилар маҳорати мени қойил қолдирди.

Шохсупага кўтарилганимдаги ҳаяжонимни тасвирлашга тилим ожиз. Танikli мураббий Ирина Каримова кўксимга олтин медални тақиб қўйганида бўғзимга бир нарса тиқилиб, кўзимга ёш келди. Устозим кўлларимни қаттиқ сиқиб, энди йўлинг мамлакат ва халқаро турнирлардаги шохсупалар томон бўлсин, дея катта ишонч билдирди.

Ўзим ўсиб улғайган Сардоба шаҳарчасида мени отаонам, устозларим, юртдошларим кўлларидан гул ва совғалар билан қутиб олди. Бундай муносибат ва билдирилган ишонч мени янги марралар сари ундайди.

Зарифа ҚАХРАМОНОВА,
«Умид ниҳоллари — 2009» Республика босқичи иштирокчиси, олтин медал соҳибаси



Қизикarli беллашув

Яқинда Гулистон Давлат университетидеда олийгоҳ бошланғич касабаси уюшма кўмитаси ҳамда хотин-қизлар кенгаши ташаббуси билан хотин-қизлар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди.

Улар спортнинг энгил атлетика, аркон тортиш, волейбол ва стол теннис бўйича ўзаро баҳслашдилар. Беллашуларда Фароғат Эргашева, Моҳира Маматқуллова, Клара Фозилова, Лола Қодировалар ўзининг элчил ва маҳоратли эканини намойиш этишди.

Умумжамоа ҳисобида педагогика, филология, табиатшунослик факультети жамоалари совринли ўринларни қўлга киритди. Фолибларга фахрий ёрлик ва кимматбаҳо совғалар тоширилди.

Мурод ХАЙИТОВ,
ГулДУ ТАБИТОСИ

Қўшсаҳифани «Ishonch»нинг жамоатчи муҳбири Анорбий НОРКУЛОВ тайёрлади.

Чорвачилик касабаси уюшма оталиғида

Соғлом бузоқлар олинмоқда

Бир неча йилдирки, аҳолига намунали хизмат кўрсатиб келаямиз. Ўтган йил 132 бош қорамол сунъий йўл билан уруғлантирилди, улардан соғлом бузоқлар олинди. Фаол ходимлар фелдшер Дўстмамат Яхшиев, Йўлдош Турраевлар билан биргаликда сунъий қочирилган молларнинг туғиш, ундан кейинги даврдаги соғлигини назорат қилиб бораёلمиз.

Шоҳобчамизда сунъий уруғ сақланадиган «Дюар» идиши, жарроҳлик, акушерлик анжоллари, микроскоп, дори-дармонлар ҳамда термосумкалар, даволаш асбоблари, қин ойнаси, қочириб катетри, энг сунгги бор чиқарилган, кўп марта ишлатиладиган шприцлар мавжуд бўлиб, бу ишимизни осонлаштиради.

— Жайдари сигиримиз 4 мартаба сунъий йўл билан қочирилди. Олинган бузоқларнинг буйи 5-6 ой давомида онаси билан барабар бўлди. Кўриниб турибдики, улар гўштор бўлади, — дейди «Халаки» маҳалла фуқаролар йиғини фуқароси Омонбобо Камолов.

Хуллас, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аҳолига яратилаётган қулайликдан барча мамнун.

Баҳриддин БОБОХОНОВ,
Қумқўрғон туманидаги «Юқори Қакайти» хусусий зооветеринария шоҳобчаси мудир

Андижон вилоятида ҳам чорвачиликни янги технологиялар асосида ривожлантириш борасида талай ишлар амалга оширилди. Биринчи навбатда хўжаликларга зотли қорамоллар сотиб олиш имконияти яратилмоқда. 2009 йилда туманларда ташкил этилган 14 та аукцион майдонларида 1827 бош насли қорамол сотилиб, режа 102 фоизга бажарилди. Ўтган йилда вилоятда деҳқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи 14 зооветеринария, 10 та сунъий қочириб шоҳобчалари ишга туширилди. Бу рақамлар қорамоллар наслига алоҳида эътибор қаратилаётганини тасдиқлайди.

Янги усул

Бир тасаввур қилинг-а, ўтган йил вилоятда 80900 бош сигир ва урғочи тана сунъий равишда уруғлантирилди. Шоҳобчаларни тўлиқ жиҳозлаш учун 56 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилди. Бу кредитларга 11 дон «Дюар» идишлари, 20 дон жарроҳлик-акушерлик жамламалари, 19 дон совутич сотиб олинди.

Вилоятдаги зооветеринария ва сунъий қочириб шоҳобчалари мутахассислари томонидан аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликларига қарамолларга чорва ҳайвонларига пуллик хизмат кўрсатиш ўтган йилда 464 миллион сўми ташкил этди. Соҳа мутахассисларининг малакасини ошириш учун 83 нафар техник-осмонатор Қибрай туманидаги «Узнасччилик» корхонаси томонидан ташкил қилинган ўқув-семинарга юборилди.

Қувонарлик, ижобий ўзгаришлар барча туманларда кўзга ташланмоқда. Улуғнор тумани вилоятнинг чўл худудида жойлашган бўлиб, унда 8 та зооветеринария шоҳобчаси фаолият қоритмоқда. Шартли қорамоллар сони эса 19300 тани ташкил қилади.

— Бугунги кунда энг муҳим вазифа қорамоллар зотини яхшилашдир, — дейди туман ветеринария бўлими бошлиғи А.Ғаниев. — Негаки, зот яхшиланса, чорва махсулдорлиги ошади. Сут ва гўшт махсулотлари янада кўпаяди. Туманимизда ҳозир 4602 та сунъий қочирилган ва туққан сигирлар мавжуд. Яна 2110 таси уруғлантиришга тайёр турибди.

Озуқа — молга қўвват берувчи асосий махсулот саналади. Туман «Чорва — озуқа бирлашмаси» МҲК томонидан 7 та шоҳобча орқали апрел ойида 30 миллион сўмликдан зиёд озуқа махсулотлари аҳоли ва фермер хўжаликларига етказиб берилди. Жами 20712 та шартли қорамолга сифатли шрот, шелуха, омухта ем сингари тўйимли мол озуқалари билан таъминланмоқда.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» муҳбири

Молли хонадон — мойли хонадон

Хозир туманда жами 37 та зооветеринария хизмати кўрсатиш шоҳобчалари мавжуд. Шу чўққача қарийб 16 минг хонадон билан қорамолларни сунъий уруғлантириш хусусида шартномалар имзоланди. Мутахассислар саъй-ҳаракати билан қарийб 6 минг бошга яқин чорва молларида бу жараён амалга оширилди. Худуддаги 4050 маҳаллада тарғибот-ташвиқот ишлари қўйилди.

Айни дамда худудда Қозоғистондан келтирилган 104 бош, Болтиқбўйидан келтирилган 24 бош насли жониворлар парваришланмоқда.

Чорвачиликни рисоладагидек ташкиллаштириш, бу йўналишдаги вазиятни кузатиб бориш жамоат ташкилоти бўлими касабаси уюшмалари зиммасига юклатилган. Биз ҳар бир қишлоқда тарғиботчилар гуруҳини ташкил этганмиз. Маҳаллаларда семинар ва суҳбатлар ташкил этилаётир. Хозирга қадар 5,5 минг аҳоли билан суҳбат ўтказилди.

Нормўмини Йўлдошев,
Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмаси Пастдарғом туман кенгаши раиси, мониторинг штаби раис ўринбосари

Татиб кўрмабсиз...

Чортоқ маъдани суви билангина эмас, балки асали билан ҳам донг чиқарадиган бўлди. Чор-атроф боғ-роғлар билан қопланган эмасми, бу асаларичиликни ривожлантириш учун айни муддаодир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яқин икки-уч йил ичидеда туман бу борала ҳам пешқадамлар қаторига ўтиб олади.

Ушбу соҳанинг қуртатганга атиги икки-уч йил бўлди. Лекин дадил айтиш жоизки, кўп ўймай ушбу соҳада салмоқли ўрнлардан бирини эгаллайди. Бунинг учун бизда барча имконият бор. Қизик, бир пайтлар фақат пахта ҳақида ўйлаб-ёшаш билан чорвачиликнинг бири бўлган бу наъмат эсимизга ҳам келмабди.

Фикран теран, уddaбурон кишилар бор экан, асло юкимиз ерда қолмайди. Икки йил муқаддам бир гуруҳ асаларичилик ишқибозлари тармоқни ташкил этиш ташаббуси билан чиққиди. Бу туман ҳокимлигига маълум қилиб, уларни қўллаб-қувватлади ва зарур ердан кўрсатди. Дастлаб, бир неча киши ўн-ўн беш рашида асалари келтириб парвариш қилган бўлса, кейинги йил-

да улар сафи кенгайди. Пировадидда «Бол асали Чортоқ», «Бегматов Турсунбой асали» каби фермер хўжаликлари юзага келди. Хали айтганимиздек, вилоятимизнинг тоғли худудларида асаларий боқиб парваришлайдиган жойлар сероб. Шу боис қўқламада уларни тоққа қўчириш йўлга қўйилди. Натижа эса чакки эмас. Хуллас, асаларичилик билан шуғулланиш истагида бўлганлар сони борган сари кўпаймоқда. Айни пайтда, 40 дан ортиқ оилаларда асалари боқилапти.

Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,
Чортоқ туман агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма кенгаши раиси

